

**МАВЗУ: СУВ ХҮЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ
ТАДБИРЛАРИГА САРФЛАНГАН
КАПИТАЛ ҚҮЙИЛМАЛАР ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИ**

Режа:

1. Мелиорацияга капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини аниқлаш хусусиятлари.
2. Капитал қўйилмаларнинг мутлак ва нисбий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.
3. Ерлар мелиорациясининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.
4. Сув хўжалиги тизимига сарфланаётган инвестициялар.
5. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратилган инвестиция лойиҳалари.
6. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг Давлат дастури.

Асосий адабиётлар

1. А.С.Султонов, У.П.Умурзоков. Ж.Рашидов «Сув хўжалиги иқтисоди ва менежмент». Ўқув қўлланма. Тошкент. 2009.
2. А.С.Султонов, З.Я.Худойберганов, С.А.Қўчқорова «Сув хўжалиги иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. Тошкент 2007.
3. У.П.Умурзоков. И.Л.Абдурахимов. «Сув хўжалиги менежменти» Тошкент. 2008.
4. С.С.Исмайлова, У.Р.Сангирова «Практический менежмент» Ташкент. 2008.
5. С.С.Исмайлова, У.Р.Сангирова «Амалий менежмент» Тошкент. 2008.
6. Х.Тошматов, Т.Кушаев, С.Исмайлова «Сув хўжалигига инновация менежменти» Тошкент. 2011.

1. Мелиорацияга капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини аниқлаш хусусиятлари

Мелиорацияга капитал қўйилмалар самарадорлигининг моҳияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш мақсади билан белгиланади. Ҳозирги кунда маҳсулот бирлигига энг кам сарфлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, муттасил ўсиб бораётган, жамият эҳтиёжларини қондиришга кўп даражада кўмаклашадиган нарсалар самаралидир.

Мелиорация самарадорлиги мазмунини очиб, шуни таъкидлаш лозимки, гап қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг сарфлари ва натижаларини ўзаро ўлчаш формуласи устида бормоқда. Самарадорлик пировард натижани, сарфланган ресурслар самарасини акс эттиради. Бунда олинган натижалар максималлаштиришга, сарфлар эса минималлаштиришга интилади.

Килинган сарфлар ҳисобида маҳсулот қанча кўп олинган бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча юқори бўлади. Эришилган натижаларнинг (Р) сарфларига (З) нисбати бўлган самарадорлик даражаси (Э) максимумга интилади.

$$Э = \frac{P}{Z} - \text{максимум}$$

1

- Ерлар мелиорацияси иқтисодий самарадорлигининг ўсиши бу мақсадларга энг кам сарфлар қилиб, энг кўп қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни олишга эришишдан иборатdir.

2

- Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан асосий мақсад меҳнат ва маблағларни энг кам сарфлар, энг кўп самара олишини таъминлайдиган капитал қўйилмаларнинг энг тежсамли вариантларини танлаб олишdir.

3

- Бу нарса инвестицион жараёнларининг барча босқичлари капитал қўйилмаларни лойихалаш ва режалаштириш, гидромелиорация тизимларини ишга тушириш босқичларида мелиорация иқтисодий самарадорлиги асосини ташкил этади.

2. Капитал қўйилмаларнинг умумий (мутлок) ва нисбий иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари

Мелиорациянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашида соф даромад катталиги билан ифодаланган бутун пировард самара ҳисобга олинади. Капитал қўйилмаларнинг ўзини-ўзи қоплаши муддати ёки иқтисодий самарадорлик коэффициенти капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Капитал қўйилмаларнинг ўзини-ўзи қоплаши ($T_{кчд}$) айrim қурилишлар, корхоналар ва объектлар бўйича капитал қўйилмаларнинг (K) йиллик соф даромадга ($\Delta_ч$) нисбати билан аниқланади.

$$T_{кчд} = \frac{K}{Ц - С} = \frac{K}{\Delta_ч}$$

Ўзини-ўзи қоплаш муддати дейилганда, соф даромаднинг капитал қўйилмаларга teng суммаси олиниши таъминланадиган вақт (йилларда) тушунилади. Бу кўрсаткич капитал қўйилма соф даромадни ўртacha йиллик суммасидан неча баровар кўплигини аниқлайди.

Иилаб чиқилган
инструкция
самарадорлик
меъёрий
коэффициент-
лари хўжаликлар
ихтисослашуви-га
боглиқ ҳолда
белгиланган:

ғалла чорвачилик хўжаликлари -0,10,
сабзавотчилик хўжаликлари –0,11,
пахтачилик хўжаликлари –0,15,
боғдорчилик узумчилик хўжалик-лари-
0,14,
шоликорлик хўжаликлари-0,16.

Капитал қўйилмалар самарадорлик коэффициенти $E_{\phi} \geq E_n$ меъёрдан кўп ёки ҳар ҳолда кам бўлмаса ўзини-ўзи қоплаш муддати $T_{\phi} \geq T_n$ меъёридан кам ёки ошиб кетмасагина **самарали бўлади.**

Шундай қилиб, ерлар мелиорациясига капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг меъёрий коэффициенти халқ хўжалиги бўйича ўртacha тармоқ даражасида белгилангандир. Умуман тармоқ инструкцияси капитал қўйилмаларнинг ишончли иқтисодий самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

Мелиорация фондлари узоқ вақт ишлатыладиган фондлардир. Улар үзини-ўзи қоплаш муддати (6-10 йил) тугаганидан кейин ҳам ўз истеъмол қийматини ўйқотмайды, балки ишлаб чиқарии жараёнида лойиха унумдорлиги билан амал қиласаради.

Капитал қўйилмалар ва ишлаб чиқарии фондлари умумий иқтисодий самарадорлигини аниқлашида самарадорлик коэффициенти билан бирга ишлаб чиқаришни иқтисодий баҳолашни тўлдирувчи бошқа кўрсаткичларни ҳам аниқлаш керак бўлади. Уларга ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг майдон бирлиги қиймати ифодасидаги миқдорини, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот таннархини, фонд самарасини, ишлаб чиқарии рентабеллигини киритиш лозим.

Режалаштириш ва лойиҳалашда оптимал вариантни танлаш учун капитал қўйилмалар нисбий иқтисодий самарадорлигининг кўрсаткичлари қўлланилади. Нисбий самарадорлик танланган вариант бошқа вариантлардан яхшими? деган саволга жавоб беради.

Капитал қўйилмалар нисбий иқтисодий самарадорлиги хўжалик ва техника ечимларини қабул қилишда, янги қурилиш ёки ишлаб турган обьектларни таъмирлаш варианtlарини танлашда, техника янги турларини ажратиб олишда аниқланади. Айнан бир вазифанинг турли хил лойиҳа ечимлари вариант сифатида кўриб чиқилади.

Нисбий варианtlар маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати, ҳажми, унинг сифати, сарфлар ва самара олиши вақти, нархлар ва бир қанча бошқа белгилар бўйича таққосланадиган бўлиши керак. Таққосланадиган варианtlар бўйича пировард натижалар бир хил бўлган тақдирда анча тежамли вариант сарфларини ўзаро ўлчаш йўли билан аниқланади.

Келтирилган сарфлар ўз эътибори билан йиллик жорий чиқимлар (йиллик таннархининг) ҳамда самарадорлик меъёрий коэффициентига мувофиқ йиллик ҳажмлиликка келтирилган капитал қўйилмалар суммасидир. Келтирилган сарфлар (\mathcal{E}_n) энг кам суммасига эга бўлган вариант энг тежамли вариант ҳисобланади.

$$\mathcal{Z}_n = C + E_n * K = \text{энг кам},$$

бунда: E_n - капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг меъёрий коэффициенти.

Нисбий иқтисодий самарадорликнинг меъёрий коэффициенти 0,15 дан паст бўлмаган даражада белгилангандир. Бу капитал қўйилмалар ўзини-ўзи қоплашининг меъёрий муддати 6,4 йилдан (1/015) ошмаслигига ёрдам беради.

3. Ерлар мелиорациясининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш

Ерларни мелиорациялашнинг асосий вазифаси - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришdir. Ялпи маҳсулот қиймати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг натижали кўрсаткичи ҳисобланади ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун асос хизматини ўтайди.

Ялпи маҳсулот микдорини ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичи сифатида тан олган ҳолда шуни таъкидлаш зарурки, ишлаб чиқариш ўсган сари, соф даромад сарфларга нисбатан максимизациялашди.

Шунинг учун мелиорация тадбирларидан ер гектари ва капитал қўйилмалар бирлиги ҳисобида қанча кўп ялпи ҳосил ҳамда соф даромад олинса, мелиорация самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Күйидагилар капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорли- гининг бошлангич маълумот- лари ҳисобланади:

- мелиорацияланадиган майдон, унинг экинлар ва фойдаланиш турлари бўйича тақсимланиши, асосий фондлар турлари бўйича капитал қўйилмалар, суғориш режими, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги, маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат ва маблағлар сарфи. Ерлар мелиорацияси иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун қўйидагиларни изчил аниқлаш зарур;
- гидромелиорация тизимларини қуришга капитал қўйилмалар ҳажми, ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини асосий фондлар билан тўла таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қиймати;
- ишлаб чиқариш чиқимлари;
- соф даромад, ишлаб чиқариш рентабеллиги ва капитал қўйилмаларнинг ўзини-ўзи қоплаш муддати.

Мелиорацияланган ерлар учун майдон нетто қабул қилинади. Капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини баҳолашда асосий кўрсаткич билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариши, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи, ишлаб чиқариши-рентабеллиги даражаси ҳисоб-китоби ўтказилади ва ҳоказо.

Капитал қўйилмалар ҳажмини аниқлаш. Капитал қўйилмалар умумий суммасига (K) хўжаликлараро шаҳобча ва иншоотлар мелиорация қурилиши (K_{mx}) ҳамда ички хўжалик шаҳобчаси ва иншоотлари (K_{bx}) сарфлари, шунингдек ерлар ўзлаштириш ҳамда мелиорация билан боғлиқ ишлаб чиқариш йўналишидаги қишлоқ хўжалиги қурилиши сарфлари (K_{osc}) киритилади:

$$K = K_{mx} + K_{bx} + K_{osc}.$$

Мелиорация қурилишининг капитал сифими муқаррар техника-иктисодий кўрсаткичлар жумласига киритиладиган улушли капитал қўйилмалар кўрсаткичини анча тўла ҳарактерлайди.

4. Сув хўжалиги тизимига сарфланаётган инвестициялар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2458-сонли қарори асосида Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 10 та лойиҳа бўйича 88,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган.

1. “Навоий вилоятидаги “Навоий” ва “Учқора” насос станцияларини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 38,26 млн АҚШ долларига teng бўлиб, Франция Хукуматининг кредит маблағи 18,75 млн АҚШ долларини, Ўзбекистон хукуматининг улуши 19,51 млн АҚШ долларини ташкил этади.

2. “Наманган вилоятидаги “Кукумбай” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 11,41 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредит маблағи 3,89 млн АҚШ долларини, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 7,53 млн АҚШ долларини ташкил этади.

3. “Навоий вилоятидаги “Кенимех-1” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 19,66 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредит маблағи 5,041 млн АҚШ долларини, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 14,62 млн АҚШ долларини ташкил этади.

4. “Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимидағи магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш” лойиҳасининг умумий қиймати 144,2 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Ислом Таракқиёт Банки кредит маблағи 90,37 млн АҚШ долларини, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 53,83 млн АҚШ долларини ташкил этади.

5. “Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш” лойиҳасининг умумий қиймати 406,29 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Осиё Тараққиёт Банки кредит маблағи 216,75 млн АҚШ долларини, Япониянинг Жайка фондининг маблағи 108,97 млн АҚШ долларини, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 80,57 млн АҚШ долларини ташкил этади.

6. “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳасининг умумий қиймати 376,714 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 115,924 млн АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 260,79 млн АҚШ долларини Жаҳон банкининг қарз маблағлари ташкил этади.

7. “Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларини каналлар ва коллекторларни тозалаш учун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 14,22 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3,164 млн АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 11,058 млн АҚШ долларини Хитой ҳукумати қарз маблағлари ташкил этади.

8. Ислом таракқиёт банки иштирокида “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳасининг умумий қиймати 122,72 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 89,55 млн. АҚШ долларини Ислом таракқиёт банкининг қарз маблағлари ташкил этади.

9. “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич” лойиҳасининг умумий қиймати 263,73 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 52,33 млн АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 211,4 млн АҚШ долларини Жаҳон банкининг қарз маблағлари ташкил этади.

10. “Қашқадарё вилоятидаги “Дўстлик 1-2-3” насос станциясини куриш” лойиҳасининг умумий қиймати 21,14 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 6,955 млн АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 14,185 млн АҚШ долларини Хитой ҳалқ республикаси ҳукуматининг қарз маблағлари ташкил этади.

5. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратилган инвестиция лойиҳалари

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, 2007 йилда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилди.
- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йиллар давомида 500 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағга эга Давлат дастури доирасида ишлар амалга оширилди.
- Мелиоратив ишларни амалга ошириш мақсадида, «Ўзмелиомашлизинг» Давлат лизинг компанияси ва 49 та Давлат унитар корхоналари ташкил этилди.




2008-2012 йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 3560 км коллектор-дренаж тармоқлари, 143 дона мелиоратив насос станциялари, 797 дона вертикал дренажлар қурилди ва реконструкция қилинди.

Шу билан бирга, 67205 км коллектор-дренаж тармоқлари, 5407 дона вертикал дренажлар, 194 дона мелиоратив насос станциялари, 5426 дона трубали ўтказгичларга таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.



2003 - 2013 йиллар давомида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратилган чет эл инвестиция лойиҳалари



"Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компанияси орқали харид қилинган мелиоратив техника, машина ва бошқа механизация воситалари таҳлили

Йиллар	Жами техника	шу жумладан				Амалда Жамғарма томонидан ажратилган маблағ, млн. сўм
		экска-ватор	буль-дозер	авто-трейле-р	бошқа техника ва машиналар	
2008	382	180	46	26	130	29347
2009	338	130	30	26	152	25412
2010	335	149	47	13	126	27177
2011	203	69	21	11	102	20000
2012	192	72	36	12	72	25723
2013	192	72	36	11	73	34554
2013 й.ни 2008 й.га нисбати, %	50,3	40	78,3	42,3	56,2	117,7

Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларини самарали бажариш натижасида ўтган даврда 1 млн. 700 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга, ёки учдан бирга камайди, кучли ва ўртacha шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга, ёки 12 фоизга қисқарди.

Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртacha 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада еришган энг муҳим натижалардан бири ҳисобланади.

6. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг Давлат дастури

2008-2013 йиллар мобайнида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доираси ҳудудларда бажарилган мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларнинг асосий кўрсаткичлари


№	Худудлар номи	режа		2008-2013 йилларда амалда бажарилди								жами харажатлар қиймати млн.сўм	
		лойиха- лар сони, дона	кыймати, млн.сўм	лойиха- лар сони, дона	мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишлари								
					коллектор дренаж тармоқ, км	ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи, км	вертикал дренаж кудуқ, дона	гидротех- ника иншооти, дона	инпек- торлик автойӯли	насос станция, дона (агрегат)			
1	Қорақалпоғистон Республикаси	45	31495,61	44	418						2	25597,87	
	вилоятлар:												
2	Андижон	53	30440,57	55	156	36	139	12		2		18572,26	
3	Бухоро	65	59100,83	67	561	25	91	1			634	44146,49	
4	Жиззах	71	26920,12	71	366	245	13	11		6	68	25320,99	
5	Қашқадарё	54	41352,27	57	472	9	1	19				36241,12	
6	Навоий	45	17509,59	52	234	19	108	2		14	201	14509,20	
7	Наманган	24	19422,58	26	168		87			14	1	11370,81	
8	Самарқанд	43	13886,91	47	299	1	12				271	11844,15	
9	Сурхондарё	62	28721,12	65	442	78	4	23		7	250	25984,66	
10	Сирдарё	85	36599,60	88	380	29	116	6		17		29397,49	
11	Тошкент	30	17077,01	30	113		19	11				9005,19	
12	Фарғона	45	25793,74	56	109	50	303	25		64	3	23851,70	
13	Хоразм	58	56781,04	60	274	7	13	1	6,5	19		33295,82	
	Жами	680	405100,99	718	3992,9	499,3	906	111	6,5	143	1430	309137,75	

2008-2013 йилларда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида худудларда амалга оширилган мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларнинг асосий кўрсаткичлари

№	Худудлар номи	2008-2013 йилларда амалда бажарилди								жами харажатлар қиймати млн.сўм	
		лойиҳа- лар сони, дона	мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари								
			коллектор дренаж тармоқлари, км	ёпиқ- ётиқ дренаж тармоғи, км	насос станция (агрегат), дона	вертикал дренаж кудуқ, дона	сув ўлчаш иншооти, дона	қувурли ўтиш жойлари, дона	кузатув тармоғи, дона		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	140	9 689,48		16		32	1513	1264	54 538,29	
	<i>вилоятлар:</i>										
2	Андижон	130	6 892,87	218	6	264	59	337	681	36 104,80	
3	Бухоро	111	6 991,85	276		538	11	298	484	33 484,48	
4	Жиззах	92	4 127,80	1556		6	9	121	899	24 284,23	
5	Қашқадарё	116	3 940,42	385		251	10	440	363	29 034,72	
6	Навоий	63	3 005,41		6	56	16	325	454	13 213,53	
7	Наманган	130	5 704,20		14	315	66	651	766	23 103,92	
8	Самарқанд	119	3 506,86			40	24	219	94	18 408,66	
9	Сурхондарё	131	5 053,01	976		14	4	348	725	28 024,61	
10	Сирдарё	117	2 930,70	1409	84	1029	5	527	384	24 224,00	
11	Тошкент	110	6 795,81		4	3	11	520	775	26 463,77	
12	Фарғона	158	8 931,50	202	12	3470	19	413	673	48 403,43	
13	Хоразм	146	7 673,87		64		6	1007	646	50 701,55	
	Жами	1563	75 243,79	5021,9	206	5986	272	6719	8208	409 989,99	

2013 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1958-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, 2013-2017 йилларда фермер хўжаликлари ва ердан фойдаланувчилар учун давлат маблағлари ҳисобидан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар берилади. Ушбу кредитлар 25 минг га майдонга томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш, 34 минг га майдонни қаттиқ шланглар ёрдамида суғориш, 45,6 минг га майдонни плёнка ётқизиб суғориш ишлари учун ажратилади.

Ушбу тадбирларни амалга оширган фермер хўжаликлари 5 йил давомида ер ва бошқа солиқлар тўловидан озод этилади.



2013-2017 йиллар даврида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида 2333 км суғориш тармоқлари, 5109 км коллектор-дренаж тармоқлари, 143 дона насос станциялари, 35 дона мелиоратив насос станциялари, 907 дона вертикал дренажлар қурилади ва реконструкция қилинади. 29258 км суғориш тармоқлари, 83589 км коллектор-дренаж тармоқлари, 21146 дона гидропостлар, 3639 дона вертикал дренажлар, 126 дона мелиоратив насос станциялари, 45549 дона гидротехника иншоотларига таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилади. Шу билан бирга, 836 дона янги мелиоратив техникалар, жумладан 303 дона экскаваторлар, 109 дона бульдозерлар ва 424 дона бошқа техника ва механизмлар сотиб олинади.

2013-2017 йилларда Давлат Дастирида белгиланган чоратадбирларни амалга ошириш натижасида қуидаги натижаларга эришилади:

- мелиоратив объектларнинг техник ҳолати яхшиланади ва 669 минг га ердан коллектор-дренажлар ёрдамида сизот сувларининг чиқарилиши таъминланади;
- 1 млн. 132 минг га суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади;
- тупроқнинг балл-бонитети лойиха ҳудудларида ўртача 2-3 баллга ошади;
- сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари, сув хўжалиги ишлари ва мелиоратив ишларига ихтисослашган корхоналар ҳамда сув истеъмолчилари уюшмаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, 836 дона янги мелиоратив техникалар ёрдамида мелиоратив техникалар парки янгиланади;
- 1160 та янги иш ўринлари яратилади.

Эътиборингиз учун раҳмат !